


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2021 йил июнь ойининг 14 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Сирғали туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: А.Дусмуродов,

судья ёрдамчиси А.Матёқубовнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент авиация транспорт прокурори Ш.Мамаджанов, судланувчи Х.Ж.Ғ. ва унинг манфаатларини ҳимоя қилган ҳимоячи - “Odil Adolat Ustuni” адвокатлик бюроси адвокати М.Одиловнинг иштирокида, Х.Ж.Ғ.га нисбатан 1-1011-2106/197-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186³-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи Х.Ж.Ғ. 2021 йилнинг 11 март куни соат 20:00ларда Тошкент шаҳар И.Каримов номли халқаро аэропортга қарашли “Тошкент-Аэро” автотураргоҳида 7 хил турдаги, яъни 4462 қути “Витамин Д3 Нутри-Д3”, 600 қути “Коликвел 15 мл”, 220 қути “Вовенак-П”, 480 қути “Биопассит сироп 100 мл”, 400 қути “Псоркьюр”, 800 қути “Глобекс в капсулах”, 33 қути “Зероколд-П” номли дори воситалари, жами 6.995 қути дори воситаларини шартли харидорга жами 150.000.000 сўмга дорихона ва унинг филиалларидан ташқарида қонунга хилоф равишда сотаётган вақтида “Тошкент-Аэро” ИБКнинг Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бўлими ходимлари томонидан тезкор тадбирда ушланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 06 апрелдаги 185-сонли қарори билан тасдиқланган “Дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 10-бандида, дори воситалари ва тиббий буюмларни дорихоналардан ташқарида сотиш таъқиқланганлиги кўрсатилган.



“GAMMA VALUATION” МЧЖнинг 2021 йил 23 мартдаги №03-031ТА/ТМБ-сонли баҳолаш ҳисоботида, юқоридаги дори воситаларининг баҳоси 151.575.300 сўмни яъни жуда кўп миқдорни ташкил қилишлиги аниқланган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Х.Ж.Ғ. ўз айбига тўлиқ иқроор билдириб, қўйидагиларни яъни 2020 йил декабрь ойларида турли хил дорихоналардан дори воситаларини сотиб олганлигини, у ушбу дориларни сотмоқчи бўлиб ижтимоий тармоқларда эълон берганлигини, бироқ ҳеч кимга сота олмаганлигини, шундан сўнг 2021 йил 10 март куни унга нотаниш бўлган аёл қўнғироқ қилганлигини, ушбу аёл унга дори воситаларини сотишини сўраганлигини, шунда унга жами 30 дона картон қутида дори воситалари борлигини айтганлигини, ушбу аёл ундан қандай турдаги дори воситалари борлигини сўраганлигини, у унга “Витамин Д3 Нутри-Д3”, “Коликвел 15 мл”, “Вовенак-П”, “Биопассит сироп 100 мл”, “Псоркьюр”, “Глобекс в капсулах”, “Зероколд-П” номли дори воситалари ва 1 хил турдаги “Трихошрей масло 100 мл растительное космическое средство” номли косметик воситаси борлигини агар хохлаسا унга сотишини айтганлигини, шундан сўнг ушбу аёл унга ушбу дориларнинг барчасини сотиб олишини айтганлигини ва у билан жами 30 дона картон қутидаги 8 хил турдаги 4462 қути “Витамин Д3 Нутри-Д3”, 600 қути “Коликвел 15 мл”, 220 қути “Вовенак-П”, 480 қути “Биопассит сироп 100 мл”, 400 қути “Псоркьюр”, 800 қути “Глобекс в капсулах”, 33 қути “Зероколд-П” номли, жами 6.995 қути дори воситалари ва 1 хил турдаги жами 22 қути “Трихошрей масло 100 мл растительное космическое средство” номли косметик воситасини 147.000.000 сўмга келишиб олганлигини, шундан сўнг дори воситаларини сотиб олмақчи бўлган аёлдан дори воситаларини қаерга олиб боришини сўраганлигини, аёл унга барча дори воситаларини “И.Каримов” номидаги Тошкент халқаро аэропортининг автомашиналар турар жойига олиб келишини айтганлигини, у ушбу йиғиб қўйган дори воситаларини унга нотаниш бўлган аёлга сотиш мақсадида 2021 йил 11 март куни яшаш хонадонидан ёдида аниқ бўлмаган юк автомашинасида олиб кетмоқчи бўлганлигини, бироқ йўлда ушбу юк автомашинаси бузилиб қолганлиги сабабли, у барча дори воситаларини Тошкент шаҳар катта халқа йўлида йўл четида тушириб олганлигини, ушбу йўналишда “HYUNDAI POTER” русумли давлат рақами 000 бўлган кичик юк автомашинасини кўриб қолганлигини, у ушбу автомашинани тўхтатиб унга 30 дона картон қути борлигини, ушбу қутиларни “И.Каримов” номидаги Тошкент халқаро аэропортига олиб бориб беришини айтганлигини, йўл кира ҳаққи сифатида 100.000 сўмга келишиб олганлигини, сўнг жами 30 дона картон қутидан 29 тасини ушбу кичик юк автомашинасига юклаганлигини, қолган бир донасини ўзининг бошқарувида бўлган автомашинанинг орқа юкхонасига жойлаганлигини, шундан сўнг у “И.Каримов” номидаги Тошкент халқаро аэропортига етиб келганлигини, у бу ерда дори воситаларини сотиб олмақчи бўлган аёл билан кўришиб, унга дори воситалари келаётганлигини,



келишувга кўра, жами 147.000.000 сўм миқдоридаги пулларни олиб келганлигини сўраганлигини, аёл ҳақиқатдан ҳам пулларни олиб келганлигини кўрганлигини, сўнг бир неча дақиқадан сўнг 29 дона картон кути юкланган кичик юк автомашинаси келганлигини, у ушбу аёл билан бирга кичик юк автомашинасининг орқа томонини очиб унга дори воситаларини олиб келганлигини айтиб кўрсатганлигини, шундан сўнг ушбу аёл бунга ишонч ҳосил қилганидан сўнг унга олиб келган дори воситаларнинг пулларини бераётган вақтида, у ерга фуқаролик кийимидаги шахслар келиб, уларга ўзларини “Тошкент-Аэро” ИБК тезкор вакиллари эканлигини айтишиб, тадбир бўлганлигини, уни ноқонуний равишда дори воситаларини сотиш ишлари билан шуғулланаётганлигини айтишиб, кичик юк автомашинасидаги 29 дона картон кутидаги дори воситаларини икки нафар холислар иштирокида расмийлаштириб олишганлигини, “Тошкент-Аэро” ИБК тезкор вакиллари икки нафар холислар иштирокида бу ерга бошқариб келган бошқарувида бўлган “Нексия 2” русумли давлат рақами 000 бўлган автомашинани ҳам кўздан кечиришганлигини, кўздан кечириш давомида автомашина орқа юк хонасида ҳам жами 30 дона картон кутидан қолган бир дона дори воситалари мавжуд бўлган картон кути борлигини аниқлашиб, уни ҳам икки нафар холислар иштирокида тегишли ҳужжатлар асосида расмийлаштириб олишганлигини, уни ҳолат юзасидан ўзларининг маъмурий биноларига олиб келишганлигини ва ҳолат юзасидан тушунтиришлар олишганлигини, у ушбу дори воситаларини турли вақтларда асосан 2020 йил декабрь ойларида кейинчалик сотиш мақсадида сотиб олганлигини, у мазкур 4462 кути “Витамин Д3 Нутри-Д3”, 600 кути “Коликвел 15 мл”, 220 кути “Вовенак-П”, 480 кути “Биопассит сироп 100 мл”, 400 кути “Псоркьюр”, 800 кути “Глобекс в капсулах”, 33 кути “Зероколд-П” номли, жами 6.995 кути дори воситалари ва 1 хил турдаги жами 22 кути “Трихошрей масло 100 мл растительное космическое средство” номли косметик воситасини турли хил дорихоналардан сотиб олганлигини, у мазкур жами 8 хил турдаги дори воситаларини дорихоналардан ташқари сотиш мумкин эмаслигини билмаганлигини, ушбу дори воситаларини 2020 йил давомида 153.000.000 сўмга сотиб олганлигини, бироқ ушбу дори воситаларининг муддатлари тугаб бораётганлиги ва ҳеч ким сотиб олмаётганлиги сабабли, унга нотаниш бўлган аёл билан жами 147.000.000 сўмга келишиб сотиб юбормоқчи бўлганлигини, у ушбу дори воситаларини турли вақтларда ҳамда турли хил дорихоналардан сотиб олганлигини, бироқ айнан қайси дорихоналардан сотиб олганлигини аниқ эслай олмаслигини, у илгари ушбу дори воситаларини сотиб олганлигини ҳамда ушбу дори воситаларини ҳеч ким сотиб олмаганлигини, сўнг унга нотаниш бўлган аёл кўнғироқ қилиб, унда дори воситалари бор ёки йўқлигини, бор бўлса сотиб олишини айтиб қолганлигини, у ушбу аёлга жами 8 турдаги дори воситалари борлигини, агар ҳохласа ушбу дори воситаларини сотиб олиши тўғрисида таклиф берганлигини, аёл у таклиф қилган барча дори воситаларини сотиб олишини маълум қилганлигини, шу сабабли у илгари сотиб олган барча дори



воситаларини ушбу аёлга сотмоқчи бўлганлигини, у 30 дона картон қутидаги дори воситаларини “HYUNDAI POTER” русумли давлат рақами 000 бўлган кичик юк автомашинасига “HYUNDAI POTER” русумли автомашина ҳайдовчиси билан бирга юклаганлигини, у ерда бошқа ҳеч ким бўлмаганлигини, у “HYUNDAI POTER” русумли давлат рақами 01M305GB бўлган кичик юк автомашинаси ҳайдовчисига жами 30 дона картон қутида дори воситалари борлигини айтмаганлигини ва у ушбу юк автомашина ҳайдовчисини танимаслигини, 2021 йил 11 март куни сотмоқчи бўлган вақтида ушбу дори воситалари билан ушланганлигини, шунингдек, дастлабки суриштирув давомида “Худайберган файз омад” МЧЖ омборига вақтинча сақловга топширилган 8 турдаги дори воситалари кўздан кечирилиб санокдан ўтказилганда, 660 қути (ҳар бир қутида 10 дона таблетка) “Зериколд-п” номли дори воситаси борлигини кўрсатишганлигини, аслида “Зериколд-п” номли дори воситаси 33 қутида бўлганлигини, яъни 33 қути ҳар бир қутида 20 донадан кичик қути ҳар бир кичик қути ичида 1 донадан конволютада (ҳар бир конволютада 10 донадан таблетка) бўлганлигини, 22 қути “Трихошрей масло 100 мл растительное космическое средство” номли косметик воситаси дори воситаси ҳисобланмаслиги, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, у мазкур дори воситаларини сотишини сабаби у моддий томондан қийналиб қолганини, оилада ягона боқувчилигини, яқинда фарзандли бўлганлигини, бундан кейин бу каби ҳолатлар такрорланмаслигини суддан енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Судланувчи Х.Ж.Ғ. эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлиб кўрсатув берган бўлсада, унинг айби суд мажлисида текширилган ва тўпланган қуйидаги далиллар билан ҳам ўз исботини тўлиқ топади.

Жумладан, суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Э.Нурманов қуйидагиларни, яъни у 2020 йил октябрь ойидан бошлаб, Тошкент шаҳар Яккасарой туманида жойлашган “АКТИВ EXPRESS CARGO” МЧЖда омборхона мудирини бўлиб шу кунга қадар ишлаб келаётганлигини, МЧЖ томонидан унга “HYUNDAI POTER” русумли давлат рақами 01M305GB бўлган кичик юк автомашинаси бириктирилганлигини, 2021 йил 11 март куни ўз ишлари билан Тошкент шаҳар катта халқа йўлида юрган вақтида, ушбу йўналишда йўлнинг четидан унга нотаниш бўлган кейинчалик шахси маълум бўлган Х.Ж.Ғ. автомашинани тўхтатганлигини, у Жаҳонгир билан гаплашган вақтида, унга жами 30 дона қоғоз картон қутилари борлигини айтганлигини, ушбу картон қоғозларни “И.Каримов” номидаги Тошкент халқаро аэропортига олиб боришини илтимос қилганлигини, эвазига йўл кира ҳаққи сифатида 100.000 сўм беришини таклиф қилганлигини, шундан сўнг у Х.Ж.Ғ.нинг жами 30 дона картон қутидаги юклардан 29 тасини бошқарувидаги кичик автомашинанинг орқа юкхонасига жойлаштирганлигини, қолган бир дона картон қутини Жаҳонгирнинг бошқарувида бўлган оқ рангли “Нексия 2” русумли давлат рақами 000 бўлган автомашинанинг ўзида қолганлигини, шундан сўнг Х.Ж.Ғ. унга айтган манзил бўйича ҳаракатланиб “И.Каримов” номидаги Тошкент халқаро



аэропорти йўналиши бўйича автомашинани бошқариб кетганлигини, 2021 йил 11 март куни соат тахминан 19:30ларда у бошқарувида бўлган кичик юк автомашинасида “И.Каримов” номидаги Тошкент халқаро аэропортига етиб келганлигини, у бу ерга келган вақтида, Х.Ж.Ғ. ўзининг бошқарувида бўлган автомашинада ундан олдин етиб келганлигини, Х.Ж.Ғ. у ерда унга нотаниш бўлган бир нафар аёл билан аэропортнинг автомашиналар турар жойида гаплашиб туришганлигини, Х.Ж.Ғ. унга бошқарувида бўлган кичик юк автомашинасининг орқа юкхонасини очишини ва юкларни туширишини айтганлигини, у юкхонадан қоғоз қутиларни туширишни бошлаган вақтида, фуқаролик кийимида бўлган ўзларини “Тошкент-Аэро” ИБК тезкор вакиллари эканлигини айтишиб, уларга ўзларини таништиришганлигини, шундан сўнг улар “Х.Ж.Ғ.”га ноқонуний дори воситаларини сотиш ишлари билан шуғулланаётганлигини, шу сабабли уни бошқарувида бўлган кичик юк автомашинасининг орқа юк хонасида бўлган жами 29 дона қоғоз қутилардаги унга номаълум бўлган кейинчалик билишча, турли хил дори воситаларини келгусида текшириб кўришлик учун тегишли тартибда олишларини маълум қилишганлигини, ушбу ҳолатдан сўнг тезкор вакиллар Х.Ж.Ғ.нинг бошқарувида бўлган “НЕКСИЯ 2” русумли давлат рақами 000 бўлган автомашинани икки нафар холислар иштирокида кўздан кечиришганлигини, кўздан кечириш давомида, Х.Ж.Ғ.нинг автомашинаси орқа юкхонасидан қолган 1 дона қоғоз қутини ҳам тегишли тартибда расмийлаштириб олишганлигини, сўнг тезкор вакиллар ўзларининг хизмат хонасига олиб боришиб, ҳолат юзасидан ҳужжатлар расмийлаштиришганлигини, Х.Ж.Ғ.ни илгари танимаганлигини, у ушбу 30 дона қоғоз қутиларда дори воситалари борлигини билмаганлигини, бу ҳақда Х.Ж.Ғ. ҳам унга айтмаганлиги тўғрисидаги кўрсатувлари;

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Н.Н. қуйидагиларни, яъни 2021 йил 11 март куни соат тахминан 19:00ларда “И.Каримов” номидаги Тошкент шаҳар халқаро аэропорти автомобиллар турар жойида ўз ишлари билан юрган вақтида, унинг ёнига, фуқаролик кийимида, ўзларини “Тошкент-Аэро” ИБК суриштирув бўлими ходими деб таништирган шахслар, унга бир ишда холис сифатида иштирок этишини сўрашиб, унга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришганлигини, шундан сўнг у “Тошкент-Аэро” ИБК суриштирув бўлими ходимлари айтган ишда холис сифатида иштирок этишга розилик билдирганлигини, бундан ташқари мазкур ишда холис сифатида яна бир фуқарони яъни Б.Т. ҳам ушбу ишда холис сифатида иштирок этганлигини, сўнг божхона ходимлари уларга Х.Ж.Ғ.ни ноқонуний равишда турли хил дори воситаларини сотиш ишлари билан шуғулланётганлигини, шу сабабли Х.Ж.Ғ.нинг келгусидаги жиноий фаолиятига чек қўйиш мақсадида тадбир ўтказилишини маълум қилишганлигини, улар “Тошкент-Аэро” ИБК суриштирув бўлими ходимларининг хизмат хонасига боришганлигини, бу ерда ходимлар томонидан тадбир учун жами 150.000.000 сўм миқдоридagi пул маблағлари ажратилиб, уларнинг иштирокида кўздан кечиришиб, пуллардан нусха



олишганлигини, ходимлар тадбир учун ажратилган жами 150.000.000 сўм миқдоридаги пулларни, ариза билан мурожаат қилган шартли харидорга тақдим қилишганлигини, 2021 йил 11 март куни соат тахминан 20:00ларда “Тошкент-Аэро” ИБК суриштирув бўлими ходимлари билан бирга “И.Каримов” номидаги Тошкент шаҳар халқаро аэропорти автомобиллар турар жойига қайтиб келишганлигини ва тадбир бошланишини кузатиб туришганлигини, у ерга “Нексия-2” русумли давлат рақами 000 бўлган автомашинада уларга маълум қилинган “Жахонгир” исмли шахс шахси кейинчалик маълум бўлган Х.Ж.Ғ. келиб, шартли харидор билан кўришганлигини, улар биргаликда шартли харидорга берилган тадбир учун ажратилган жами 150.000.000 сўм миқдоридаги пуллар борлигини текшириб кўришганлигини, сўнг Х.Ж.Ғ. дориларни олиб келиниши учун ўзинг уяли алоқа воситаси ёрдамида, кимгадир қўнғироқ қилганлигини, бироздан сўнг улар турган жойга “HYUNDAI PORTER” русумли давлат рақами 000 бўлган автомашина келганлигини, Х.Ж.Ғ. ва шартли харидор биргаликда келган юк автомашинасининг орқа қисмини очишиб, у ерда дори воситалари борлигини кўздан кечиришганлигини, шундан сўнг шартли харидор дори воситаларини кўздан кечириб бўлганидан сўнг тадбир учун ажратилган жами 150.000.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини Х.Ж.Ғ.га бераётган вақтида божхона ходимлари билан биргаликда ушбу жойга етиб келишганликларини, божхона ходимлари Х.Ж.Ғ.га ўзларини таништириб, дори воситаларини ноқонуний равишда сотаётганлигини маълум қилишиб, уларнинг иштирокларида Х.Ж.Ғ.дан барча дори воситаларини ашёвий далил тариқасида расмийлаштириб олишганлигини, бундан ташқари Х.Ж.Ғ. бошқариб келган “Нексия-2” русумли давлат рақами 000 бўлган автомашинани ҳам кўздан кечиришда иштирок этишганликларини, мазкур автомашина ҳам уларнинг иштирокларида кўздан кечирилган вақтида, автомашина юкхонасида ҳам бир дона картон қути борлиги аниқланиб, Х.Ж.Ғ. иштирокида ушбу қути очиб кўрилганида, унинг ичида ҳам турли хил дори воситалари борлиги аниқланиб, ундан ушбу дори воситалари ҳам ашёвий далил тариқасида расмийлаштириб олинганлигини, Х.Ж.Ғ.ни божхона ходимлари хизмат хоналарига олиб боришганликларини, ҳолат юзасидан Х.Ж.Ғ.дан ушбу дори воситалари кимга тегишли эканлиги тўғрисида сўралганида, у “Тошкент-Аэро” ИБК суриштирув бўлими ходимларига ушбу дори воситалари ўзига тегишли эканлигини айтганлигини, “Тошкент-Аэро” ИБК суриштирув бўлими ходимлари Х.Ж.Ғ.дан 30 дона картон қутида 8 турдаги дори воситаларини ашёвий далил тариқасида расмийлаштириб олишганлигини, тадбир якунланганидан сўнг “Тошкент-Аэро” ИБК суриштирув бўлими ходимлари томонидан ажратилган жами 150.000.000 сўм миқдоридаги пул маблағи уларнинг иштирокларида “Тошкент-Аэро” ИБК суриштирув бўлими ходимларига қайтариб берилганлиги тўғрисидаги кўрсатувлари;

Суд мажлисида қўшимча гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Б.Асомов, қўйидагиларни яъни у “Gamma Maluation” МЧЖда баҳоловчи мутахассис бўлиб ишлашганини, Х.Ж.Ғ.га оид жиноят иши бўйича 8 турдаги дори



воситаларини экспертизадан ўтказганлигини, ҳар туридан биттадан дори унга наъмуна сифатида тақдим қилишганлигини, дори воситалари ва косметика воситасини жами ҳажмини кўрмаганлигини, баҳолаш кунида амал қилган нархлар бўйича ички бозорда талаб ва таклиф конъюнктурасининг мавжуд маълумотлари асосида нархини чиқариб баҳолаб берганлигини, “Зериколд-п” номли дори воситаси 660 қути эканлигини ўз кўзи билан кўрмаганлигини, ичида 20 та блистери бўлишлиги, ҳар бир блистерда 10 тадан дори борлиги, 200 та дона таблетка битта қутида бўлишлигини, 76.800 сўм қилиб битта қутини ҳисоблаб берганлигини, дори воситаларини “арзон аптека” сайтидан минимал нархини олиб ҳисоблаганлигини тўғрисидаги кўрсатувлари;

Суд мажлисида тарафларнинг розилиги билан дастлабки терговда берган кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳ К.М.нинг кўрсатмаларида қуйидагилар, яъни у 2021 йил 10 март куни Х.Ж.Ғ. исмли шахсни дори воситаларини сотиш ишлари билан шуғулланишлигини ижтимоий тармоғидан кўриб қолганлигини, шундан сўнг у Х.Ж.Ғ.га қўнғироқ қилиб, дори воситалари бор ёки йўқлигини сўраганлигини, Х.Ж.Ғ. унга дори воситаларини дорихоналардан ташқари сотишини, унда турли хил дори воситалари борлигини айтганлигини, сўнг унга КОЛИКВЕЛ, ПСОРКБЮР, ВОВЕНАК-П, ГЛОБЕКС, ЗЕРАКОЛД, БИОПАССИТ, ШРЕЙ НУТРАСЬЮТИКАЛЗ ЭНД ХЕРБАЛЗ., Лтд НУТРИ-D3 ва ШРЕЙ НУТРАСЬЮТИКАЛЗ ЭНД ХЕРБАЛЗ., Лтд Трихошрей масло 100мл номли дори воситалари борлигини агар хоҳласа ушбу дори воситаларини сотиб олишини таклиф қилганлигини, шунда унинг дори воситаларни дорихоналардан ташқарида сотиш мумкин эмаслигини билиб, “Тошкент-Аэро” ИБКга “Жахонгир” исмли шахснинг фаолияти ноқонуний эканлигини унга нисбатан қонуний чора кўришлик юзасидан ариза билан мурожаат қилганлигини, шундан сўнг “Тошкент-Аэро” ИБК тезкор вакиллари ундан тегишли тартибда аризасини қабул қилишиб, тадбир ўтказилишини, мазкур тадбирда шартли харидор сифатида иштирок этишини айтганлигини, шундан сўнг у “Х.Ж.Ғ.” исмли шахсга қўнғироқ қилиб, у таклиф қилган барча дори воситаларини сотиб олишга розилигини билдирганлигини, шунда Х.Ж.Ғ. унга барча дори воситаларини 30 дона картон қутида эканлигини, барчасини 147.000.000 сўмга сотишини айтганлигини, у Х.Ж.Ғ.нинг таклифига розилик билдириб, унга яқинлари 150.000.000 сўм миқдорида пул маблағи жўнатишини, ушбу пуллардан 147.000.000 сўм миқдоридаги пулларни 30 дона картон қутидаги дори воситалари учун беришлигини айтганлигини, сўнг тезкор вакиллар тадбир учун жами 150.000.000 сўм миқдорида пул маблағи ажратишиб, икки нафар холислар иштирокида мазкур пуллардан нухалар олинганлигини ва баённома расмийлаштирилиб, тадбир учун ажратилган 150.000.000 сўм миқдоридаги пуллар унга топширилганлигини, 2021 йил 11 март куни “Х.Ж.Ғ.” исмли шахс билан қўнғироқ қилиб гаплашиб, унга барча дори воситаларини “И.Каримов” номидаги Тошкент халқаро аэропортидаги автомашиналар турар жойига олиб келишлигини айтганлигини, Х.Ж.Ғ. бунга рози бўлиб, ушбу куни соат тахминан 20:00ларда



у айтган манзилга оқ рангли “НЕКСИЯ 2” русумли 01 С 364 QA давлат рақам белгили автомашинада келганлигини, сўнг унга дори воситалари кичик юк автомашинасида келаётганлигини айтиб, Х.Ж.Ғ. ундан пулларни олиб келганлигини сўраганлигини, у Х.Ж.Ғ.га жами 150.000.000 сўм миқдоридаги пулларни кўрсатганлигини, орадан биров вақт ўтиб, “HYUNDAI POTER” русумли давлат рақами 000 бўлган кичик юк автомашинаси келганлигини, сўнг у “Х.Ж.Ғ.” исмли шахс билан ушбу юк автомашинаси орқа юкхонасини очиб, ичидаги дори воситаларини текшириб олганлигини, тадбир учун ажратилган 150.000.000 сўм миқдоридаги пулларни дори воситаларини унга сотмоқчи бўлган “Х.Ж.Ғ.” исмли шахсга бераётган вақтида, “Тошкент-Аэро” ИБК тезкор вакиллари икки нафар холислар иштирокида келишиб, “Х.Ж.Ғ.” исмли шахсга ўзларини таништириб, тадбир ўтказилганлигини, дори воситаларини дорихоналардан ташқарида сотиш мумкин эмаслигини, унинг ҳаракатлари ноқонуний эканлигини айтишиб, юк автомашинаси орқа юкхонасидаги жами 29 дона картон кутидаги дори воситаларини келгусида текшириб кўришлик учун расмийлаштириб олишганлигини, “Тошкент-Аэро” ИБК тезкор вакиллари “Х.Ж.Ғ.” исмли шахснинг бошқарувида бўлган “НЕКСИЯ 2” русумли 000 давлат рақам белгили автомашинани ҳам икки нафар холислар иштирокида текширишган вақтида, автомашина орқа юк хонасида ҳам бир дона картон кути бўлганлигини, ушбу картон кутида ҳам дори воситалари мавжудлигини аниқлашганлигини ва ҳолат юзасидан “Х.Ж.Ғ.” исмли шахсдан сўрашган вақтида, мазкур бир дона картон кутидаги дори воситасини унга сотмоқчи бўлганлигини маълум қилганлигини, шундан сўнг “Тошкент-Аэро” ИБК тезкор вакиллари ушбу бир дона картон кутидаги дори воситаларини ҳам тегишли тартибда расмийлаштириб олишганлигини, у “Жахонгир” исмли шахсга қўнғироқ қилиб дори воситаларини сотиш ёки сотмаслигини сўраган вақтида, Х.Ж.Ғ.нинг ўзи унга КОЛИКВЕЛ, ПСОРКЬЮР, ВОВЕНАК-П, ГЛОБЕКС, ЗЕРАКОЛД, БИОПАССИТ, ШРЕЙ НУТРАСЬЮТИКАЛЗ ЭНД ХЕРБАЛЗ., Лтд НУТРИ-D3 ва ШРЕЙ НУТРАСЬЮТИКАЛЗ ЭНД ХЕРБАЛЗ., Лтд Трихошрей масло 100мл номли дори воситалари борлигини агар хоҳласа ушбу дори воситаларини ҳам сотиб олиши тўғрисида таклиф қилганлигини, шунда у бунга рози бўлганлигини ва ҳолат юзасидан унинг фаолиятига чек қўйиш мақсадида ариза билан мурожаат қилганлигини, у “Х.Ж.Ғ.” исмли шахс билан тадбир давомида гаплашган вақтида, Х.Ж.Ғ. унга дори воситалари борлигини, бироқ қаердан олганлигини айтмаганлигини, у ҳам Х.Ж.Ғ.дан бу тўғрисида сўрамаганлиги тўғрисида кўрсатувлари;

Суд мажлисида тарафларнинг розилиги билан дастлабки терговда берган кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳ Б.Т. қуйидагиларни, яъни 2021 йил 11 март куни соат тахминан 19:00ларда “И.Каримов” номидаги Тошкент шаҳар халқаро аэропорти автомобиллар турар жойида ўз ишлари билан юрган вақтида, унинг ёнига, фуқаролик кийимида, ўзларини “Тошкент-Аэро” ИБК суриштирув бўлими ходими деб таништирган шахслар, унга бир ишда холис сифатида иштирок этишини сўрашиб, унга ҳуқуқ ва



мажбуриятларини тушунтиришганлигини, шундан сўнг у “Тошкент-Аэро” ИБК суриштирув бўлими ходимлари айтган ишда холис сифатида иштирок этишга розилик билдирганлигини, бундан ташқари мазкур ишда холис сифатида яна бир фуқарони яъни Н.Н.А.ни ҳам ушбу ишда холис сифатида иштирок этишларини сўрашиб, унга ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришганлигини, сўнг “Тошкент-Аэро” ИБК суриштирув бўлими ходимлари уларга Х.Ж.Ғ.ни ноқонуний равишда турли хил дори воситаларини сотиш ишлари билан шуғулланётганлигини, шу сабабли Х.Ж.Ғ.нинг келгусидаги жиноий фаолиятига чек қўйиш мақсадида тадбир ўтказилишини маълум қилишганлигини, улар “Тошкент-Аэро” ИБК суриштирув бўлими ходимларининг хизмат хонасига боришганлигини, бу ерда ходимлар томонидан тадбир учун жами 150.000.000 сўм миқдоридаги пул маблағлари ажратилиб, уларнинг иштирокида кўздан кечиришиб, пуллардан нусха олишганлигини, ходимлар тадбир учун ажратилган жами 150.000.000 сўм миқдоридаги пулларни, ариза билан мурожаат қилган шартли харидорга тақдим қилишганлигини, 2021 йил 11 март куни соат тахминан 20:00ларда “Тошкент-Аэро” ИБК суриштирув бўлими ходимлари билан бирга “И.Каримов” номидаги Тошкент шаҳар халқаро аэропорти автомобиллар турар жойига қайтиб келишганлигини ва тадбир бошланишини кузатиб туришганлигини, у ерга “Нексия-2” русумли давлат рақами 000 бўлган автомашинада уларга маълум қилинган “Х.Ж.Ғ.” исмли шахс келиб, шартли харидор билан кўришганлигини, улар биргаликда шартли харидорга берилган тадбир учун ажратилган жами 150.000.000 сўм миқдоридаги пуллар борлигини текшириб кўришганлигини, сўнг “Х.Ж.Ғ.” исмли шахс дориларни олиб келиниши учун ўзинг уяли алоқа воситаси ёрдамида, кимгадир кўнғироқ қилганлигини, бироздан сўнг улар турган жойга “HYUNDAI PORTER” русумли давлат рақами 000 бўлган автомашина келганлигини, “Х.Ж.Ғ.” ва шартли харидор биргаликда келган юк автомашинасининг орқа қисмини очишиб, у ерда дори воситалари борлигини кўздан кечиришганлигини, шундан сўнг шартли харидор дори воситаларини кўздан кечириб бўлганидан сўнг тадбир учун ажратилган жами 150.000.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини “Х.Ж.Ғ.” исмли шахсга бераётган вақтида “Тошкент-Аэро” ИБК суриштирув бўлими ходимлари билан биргаликда ушбу жойга етиб келишганликларини, “Тошкент-Аэро” ИБК суриштирув бўлими ходимлари “Х.Ж.Ғ.” исмли шахсга ўзларини таништириб, дори воситаларини ноқонуний равишда сотаётганлигини маълум қилишиб, уларнинг иштирокларида “Х.Ж.Ғ.” исмли шахсдан барча дори воситаларини ашёвий далил тариқасида расмийлаштириб олишганлигини, бундан ташқари Х.Ж.Ғ. исмли шахс бошқариб келган “Нексия-2” русумли давлат рақами 000 бўлган автомашинани ҳам кўздан кечиришда иштирок этишганликларини, мазкур автомашина ҳам уларнинг иштирокларида кўздан кечирилган вақтида, автомашина юкхонасида ҳам бир дона картон қути борлиги аниқланиб, Х.Ж.Ғ. исмли шахс иштирокида ушбу қути очиб кўрилганида, унинг ичида ҳам турли хил дори воситалари борлиги аниқланиб, ундан ушбу



дори воситалари ҳам ашёвий далил тариқасида расмийлаштириб олинганлигини, Х.Ж.Ғ. исмли шахсни хизмат хоналарига олиб боришганликларини, ҳолат юзасидан Х.Ж.Ғ. исмли шахсдан ушбу дори воситалари кимга тегишли эканлиги тўғрисида сўралганида, у “Тошкент-Аэро” ИБК суриштирув бўлими ходимларига ушбу дори воситалари ўзига тегишли эканлигини айтганлигини, “Тошкент-Аэро” ИБК суриштирув бўлими ходимлари Х.Ж.Ғ. исмли шахсдан 30 дона картон кутида 8 турдаги жами 7644 дона дори воситаларини ашёвий далил тариқасида расмийлаштириб олишганлигини, тадбир якунланганидан сўнг “Тошкент-Аэро” ИБК суриштирув бўлими ходимлари томонидан ажратилган жами 150.000.000 сўм миқдордаги пул маблағи уларнинг иштирокларида “Тошкент-Аэро” ИБК суриштирув бўлими ходимларига қайтариб берилганлиги тўғрисида кўрсатувлари;

Жиноят иши юзасидан тўпланган ҳужжатлар, жумладан:

-11.03.2021 йилдаги “Ўзбек сўмини кўздан кечириш ҳамда тезкор тадбирда фойдаланиш учун шартли харидорга топшириш ҳақида”ги баённома ва “Тезкор тадбирда ўзбек сўмини зарурат қолмаганлиги сабабли қайтариб топшириш тўғрисида”ги баённома;

-11.03.2021 йилдаги “Тезкор тадбир ўтказиш, кўздан кечириш ва олиб қўйиш ҳақида”ги баённома;

-11.03.2021 йилдаги “Транспорт воситасини кўздан кечириш ва ундан аниқланган ашё(ҳужжат)ларни олиб қўйиш ҳақида”ги баённома;

- “Кўздан кечириш ҳақида”ги баённома;

- “Аниқланган ҳуқуқбузарлик тўғрисида”ги баённома;

- “Товар ёки мол-мулкни вақтинча сақловга топшириш ва қабул қилиш ҳақида”ги далолатнома;

- “GAMMA VALUATION” МЧЖнинг дори воситаларини баҳолаш хулосаси;

- 23.03.2021 йилдаги “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази” УКнинг хулосаси;

- Тадбирга жалб қилинган шартли харидорнинг аризаси;

- гувоҳ Э.Н.нинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракати;

- 2021 йил 8 июнда қайта санокдан ўтказиш далолатномаси билан ҳамда мазкур жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланади.

Суд, юқорида келтирилган далиллар, уларни тўплаш билан боғлиқ процессуал қоида ва тартибларга риоя қилинган ҳолда олинганлиги учун мақбул далиллар деб эътироф этиб, улар ҳақиқатга мувофиқ бўлганлиги сабабли ишончли ҳамда судланувчининг ҳаракатларини баҳолашда етарли деб ҳисоблайди.

Суд судланувчи Х.Ж.Ғ.нинг айблилиги масаласини муҳокама қилиб, кўйидаги тўхтамларга келади.



Ўзбекистон республикаси ЖПКнинг 23-моддаси 3-қисмига кўра, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гусон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак, 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлигини суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Х.Ж.Ғ.га эълон қилинган айблов мазмунига кўра, у 2021 йилнинг 11 март куни соат 20:00ларда Тошкент шаҳар И.Каримов номли халқаро аэропортга қаршли “Тошкент-Аэро” автотурагоҳида 7 хил турдаги, яъни 4462 қути “Витамин Д3 Нутри-Д3”, 600 қути “Коликвел 15 мл”, 220 қути “Вовенак-П”, 480 қути “Биопассит сироп 100 мл”, 400 қути “Псоркьюр”, 800 қути “Глобекс в капсулах”, 33 қути “Зероколд-П” номли дори воситалари ва 22 дона “Трихошрей масло” косметик воситалари, жами 8 хил турдаги 7.524 дона воситалари ва косметика воситаларини шартли харидорга жами 150.000.000 сўмга дорихона ва унинг филиалларидан ташқарида қонунга ҳилоф равишда сотаётган вақтида “Тошкент-Аэро” ИБКнинг Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бўлими ходимлари томонидан тезкор тадбирда ушланган (и.в. 147-149).

Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази УКнинг 23.03.2021 йилги 29/09-1046-сонли ҳулосасига кўра, “Трихошрей масло” 100 мл ўсимлик косметик воситаси Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестрига дори воситаси сифатида киритилмаган (и.в. 106-108).

Шу сабабли, суд судланувчи Х.Ж.Ғ.нинг айбловидан 22 дона “Трихошрей масло” косметик воситалари дори воситалари ҳисобланмаганлиги сабабли уни айбловидан чиқариб, Х.Ж.Ғ.ни “жуда кўп миқдордаги 151.575.300 сўмлик дори воситаларини ўтказиш мақсадида дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш” аломатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 186³-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топишни лозим ҳисоблайди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан судланувчи Х.Ж.Ғ.нинг айбига тўлиқ иқроп бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини ва оилада ягона боқувчилигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддасига асосан айбини оғирлаштирувчи ҳолатлари аниқланмади деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Х.Ж.Ғ.га нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар



томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори, жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги;

қарорнинг 3–бандида, Жиноят Кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг ҳусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тўғрисидаги тушунтиришларига риоя қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 186³-моддаси 3-қисмининг “а” бандида белгиланган жазо тури ва миқдорини муҳокама қилиб, шахсини, муқаддам судланмаганлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, оилавий ва моддий шароитини, “Хувайдо” МФЙ кафиллик хатини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 186³-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо, яъни ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги №200-сонли Қарорининг 13-бандида, дори воситалари ва тиббий буюмлар мажбурий тарзда йўқ қилиб ташланиши белгиланган.

Ашёвий далил тариқасида олиниб, “Худойберган Fayz Omad” масъулияти чекланган жамияти омборхонасига 2021 йил 12 март куни № 1А-сонли юк хати орқали топширилган ва 2021 йил 8 июнь кунги далолатнома билан “Худойберган Fayz Omad” МЧЖ омборида вақтинча сақловга топширилган қайта санокдан ўтказилган 7 хил турдаги жами 6.995 қути дори воситалари ва 1 хил турдаги жами 22 қути косметика воситаларини белгиланган тартибда йўқ қилишни белгилашни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек, 11.03.2021 йилдаги баённомага асосан тезкор тадбирда қўлланилган “Тошкент-Аэро” ИБКнинг Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бўлимининг ғазнасидан тезкор тадбирда фойдаланиш учун олинган 50.000 сўмлик купюралик жами 150.000.000 сўм “Тошкент-Аэро” ИБКнинг Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бўлимига қайтарилганлигини инобатга олишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларни инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 462-463, 465-468 ва 471-473-моддаларига асосан суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Х.Ж.Ғ., Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 186³-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилсин.

Х.Ж.Ғ.га Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 186³-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг



57-моддасини қўллаб, иш ҳақининг 20 (йигирма) фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи орган белгилаб берадиган бошқа жойларда ўтатирилсин.

Жазо муддати маҳкум иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Жазони ижросини назорат қилиш маҳкумнинг доимий яшаш жойи бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман ИИО ФМБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Х.Ж.Ғ.га нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, “Худойберган Fayz Omad” масъулияти чекланган жамияти омборхонасига 2021 йил 12 мартда № 1А-сонли юк хати орқали топширилган ва 2021 йил 8 июнда қайта санокдан ўтказилган 8 хил турдаги 8 хил турдаги, яъни 4462 қути “Витамин Д3 Нутри-Д3”, 600 қути “Коликвел 15 мл”, 220 қути “Вовенак-П”, 480 қути “Биопассит сироп 100 мл”, 400 қути “Псоркьюр”, 800 қути “Глобекс в капсулах”, 33 қути “Зероколд-П” номли, жами 6.995 қути дори воситалари ва 1 хил турдаги жами 22 қути “Трихошрей масло 100 мл растительное космическое средство” номли косметик воситаси белгиланган тартибда йўқ қилинсин.

2021 йил 11 мартдаги баённомага асосан тезкор тадбирда қўлланилган “Тошкент-Аэро” ИБКнинг Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бўлимининг газнасидан тезкор тадбирда фойдаланиш учун олинган 50.000 сўмлик купюралик жами 150.000.000 сўм “Тошкент-Аэро” ИБКнинг Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бўлимига қайтарилганлигини инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар йигирма сутка ичида, маҳкум эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида, туман суди орқали Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи, судья

/имзо/

А.Дусмуродов

Ҳукм нусхаси аслига тўғри: _____

